**ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИ** 4

**ҲАММАСИ ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ** 5

**МЕН БУГУН БИР ТУШ КЎРДИМ...** 7

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÜRKISTAN

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 20 февраль, пайшанба. №20 (2795).

## ИНТЕРНЕТ ҲАММА ЖОЙДА БЎЛИШИ КЕРАК

**ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев «Қазақтелеком» ҲЖ Бошқаруви раиси Қуанишбек Ескеевни қабул қилди.**

Давлат раҳбарига «Қазақтелеком» ҲЖ-нинг 2019 йилги фаолияти якунлари ҳамда Smart city концепциясининг амалга оширилиши, «Смарт Аққўл» лойиҳаси бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Учрашувда Қасим-Жўмарт Тўқаев Қуанишбек Ескеевга юртимиз аҳоли манзиллари, шу жумладан, қишлоқ мактаблари ва шифохоналарини интернет билан тўлиқ таъминлаш ва хизмат ҳақини оширмасликни топширди.

**Akorda.kz**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

■ **Дунёнинг энг бой одами иқлим ўзгаришига қарши курашга 10 млрд. доллар ажратмоқчи.**

Amazon компанияси асосчиси, дунёнинг энг бой одами Жефф Безос Instagram саҳифасида жуда катта ҳажмдаги иқлим жамғармаси ташкил этилганлиги ва грантлар ажратиш бошланганини маълум қилди.

■ **2019 йилда Тенгиз конидан 29 млн. тонна нефть қазиб олинди.**

«Тенгизшевройл» компанияси вакиллари Тенгиз кони ишлаб чиқариш қувватини оширишнинг янги навбати ишга туширилаётганини маълум қилди. Лойиҳа якунига етгач, ишлаб чиқариш ҳажми йилига 12 млн. тоннага ортиб, 39 млн. тоннага етади.

■ **Рақамли технологияларни тартибга солиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида тезкор тўловлар тизимини жорий этиш кўзда тутилган.**

Буни Ҳукумат мажлисида ҚР Рақамли ривожланиш, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазири Асқар Жумағалиев маълум қилди.

■ **Ўзбекистонда «ёшлар» тушунчасини ўзгартириш таклиф қилинмоқда.**

Ўзбекистонда “ёшлар (ёш фуқаролар) тушунчасини ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз беш ёшдан ошмаган шахслар” деб ўзгартириш ҳақида таклиф берилди.

■ **Гренландия ҳукумати музликларнинг эриган сувини экспорт қилмоқчи.**

Бундай сувга глобал иссиқлик туфайли қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда талаб катта бўлиши мумкин.

■ **Илон Маск компанияси орбитага навбатдаги 60та сунъий йўлдошни чиқарди.**

■ **Ҳиндистонда ал-Фаробийнинг 1150 йиллиги нишонланади.**

Қозоғистоннинг Ҳиндистондаги Элчихонаси кўллови билан Нью-Делидаги Ж. Неру номидаги университетда Шарқ мутафаккири Абу Наср ал-Фаробийнинг 1150 йиллигига бағишланган давра суҳбати ўтди. Бу тадбир Ҳиндистонда буюк мутаффакир тўйига бағишланган тадбирларнинг дебочаси бўлди. Буни ҚР Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати хабар қилди.

**ҚозАхборот.**

# ЭЛИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛ ҚАЛҚОНИ



## ПРЕЗИДЕНТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БОШ РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИНИНГ ШТАБ-КВАРТИРАСИГА БОРДИ

**Давлат раҳбарига жаҳоннинг нотинч ҳудудларидаги хавф-хатарлар ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, Президент Бош разведка бошқармаси бўлимларининг замонавий намунадаги ҳарбий қурол-аслаҳа ва техникаси билан танишди.**

ҚР Президенти Қозоғистоннинг ҳарбий разведка фаолиятига ижобий баҳо бериб, халқаро аҳвол мураккаблашган шароитда унинг мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги роли кучайишини айтди.

Олий Бош қўмондон Мудофаа вазирлигининг Бош разведка бошқармасига ҳарбий разведка тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш ишларини давом эттиришни топшириб, мазкур бўлимдаги ҳарбий хизматчиларга меҳнатда муваффақиятлар тилади.

**Akorda.kz**

# НУРАФШОН МАНЗИЛЛАР ШУКУҲИ

**Туркистон вилоят давлат меъморчилик-қурилиш назорати бошқармасида ўтган йили 752та иншоотнинг қурилиш-монтаж ишлари бошланиши тўғрисидаги хабар рўйхатга олинган. Улардан 445таси бюджет маблағига, 307таси эса хусусий тадбиркорлар ҳисобидан қурилмоқда. Мазкур бошқарма ҳудуддаги қурилишлар сифатини назорат қилади.**

Бугунги кунда Туркистон шаҳридаги барча янги қурилишлар алоҳида кузатув остида. Буни минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингда вилоят давлат меъморчилик-қурилиш бошқармаси раҳбари Мухит Турисбеков маълум қилди.

Умуман олганда, бошқарма томонидан 5 хил давлат хизмати кўрсатилади. Ўтган йили қурилиш соҳасида лицензия олиш, қайта рўйхатдан ўтиш, аттестат олишга оид 665та ариза берилган.

–Вилоятимизда қонун талабларига риоя қилинмай қурилган 69та бюджет, 144та тадбиркорликка тегишли қурилишга текширув юритилди. Аниқланган қонунбузарликлар асосида чора кўрилиб, далолатнома тўлдирилди. Қисқасини айтганда, бошқарма 62149861,5 тенге жарима солиб, шундан 54850000 тенгеси ундириб олинди, – деди Мухит Сексенбайули.

Ҳозирги кунда бошқарма томонидан Туркистон шаҳридаги 170та бюджет ҳисобидаги иншоот қурилиши назорат қилинмоқда. Уларнинг 85таси кўп қаватли уй, 56таси ижтимоий иншоот бўлса, 29таси муҳандислик-коммуникация тизимлари қурилишидир.

**М. САФАРОВА.**



# ЙЎЛЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

**Туркистон вилоятида оғир вазнли юк машиналари дастидан катта йўлларнинг 300 чақирими яроқсиз ҳолга келган. Минтақада вилоят аҳамиятига эга 1067 чақиримли йўлда юк машиналари юришга рухсат этилган. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Кўсман Айтмухамбетов раислигида ўтган девон мажлисида ана шундай рақамлар маълум қилинди.**




Йўлга зарар келмаслиги учун юк машинасининг оғирлиги 8 тоннадан ошмаслиги керак. Минтақа раҳбарияти йўлда оғир юк машиналарининг ҳаракатини назорат қилишни топширди. Белгиланган тартибга бўйсунмай йўлга чиққан ўта оғир юк машиналарининг эгаларига жарима солинадиган бўлди.

Йўл қуриш ва таъмирлаш ишларининг ҳажми бўйича Туркистон вилояти республикада етакчи. 2019 йили 1 738 чақирим йўл ва кўча қурилиш-таъмирлаш ишлари билан қамралиб, уларнинг 1 270,4 чақирими фойдаланишга топширилган. Жорий йилда 869,8 чақирим йўлда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Умуман, минтақада автомобиль йўллари ҳамда аҳоли манзиллари ичидаги кўчаларнинг узунлиги – 20 928,9 чақирим. Маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларининг яхши ҳамда қаноатланарли аҳволдагиси ўтган йили 74,1 фоизга етган. Мазкур кўрсаткични жорий йилда 80 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда Туркистон шаҳрининг маъмурий-тадбиркорлик марказида қурилаётган кўп қаватли уй-жой мажмуалари ҳақида маълумот берилди. Бу ерда умумий майдони 575,8 минг квадрат метр ёки 7459та квартирани ташкил этувчи 156та кўп қаватли уй қурилиши олиб борилмоқда.

Ўтган йили 32та уйнинг қурилиши якунланиб, 1701та квартира фойдаланишга топширилди. 2020 йили давлат бюджети ҳисобидан 5,4 млрд. тенгега 35та уйнинг (103,7 минг кв.м., 1478 квартира) қурилиши олиб борилади. Йил охиригача, режа бўйича 18та уй (68,4 минг кв.м.,) фойдаланишга топширилиб, навбатда турган 978 оила бошпана билан таъминланади. Қолган 17та уйнинг қурилиши 2021 йилга ўтади.

**Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевга устувор бўлмаган бюджет харажатларини қисқартириш юзасидан ҳисоб берилади. Буни Ҳукумат мажлисида Бош вазир Асқар Мамин маълум қилди.**

# Тежамкорлик – давр талаби

– Бу йил апрель ойида Давлат раҳбари Қ.Тўқаевга устувор бўлмаган бюджет харажатларини қисқартириш юзасидан ҳисоб беришимиз лозим. Республика бюджетига доир харажатлар қайта тақсимланади ёки уларни оптималлаштириш бўйича тегишли ишлар олиб борилади, – деди Ҳукумат раҳбари.

Унинг айтишича, ҳокимликлар маслаҳатлар ёрдамида маҳаллий бюджетларнинг маълум харажатларини қисқартириш ҳақида қарор қабул қилиши лозим. Миллий холдинглар ва компаниялар раҳбарлари Директорлар кенгашлари ва бошқармалар мажлисларида таклиф қилинган чиқимларни қисқартиришга оид корпоратив қарорларни қайтадан кўриб чиқиши лозим. Молия вазирлиги, ҳокимликлар, миллий холдинглар Давлат раҳбари топшириғининг бажарилишини назорат қилсин, деди у.

Эслатиб ўтамиз, Ҳукумат мажлисида ҚР Бош вазирининг биринчи ўринбосари – Молия вазири Алихан Смайилов давлат ва квазидавлат шўъба чиқимларини 128,6 млрд. тенгега қисқартирилишини маълум қилганди.

**ҚозАхборот.**

# ТУРКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР – ПЕШҚАДАМ

**Республика илмий лойиҳалар танловида Туркистон вилояти ўқувчилари кучли учликдан жой эгаллади. Билимлар беллашувида вилоятимиздан 46 ўқувчи қатнашиб, 22 нафари совриндор бўлди. Алматилик ўқувчилар биринчи, павлодарликлар эса иккинчи ўринни қўлга киритдилар.**



Умумий таълим фанлари бўйича республика илмий лойиҳалар танлови Алмати шаҳридаги Ал-Форобий номли Қозоқ Миллий университетида минг нафарга яқин ўқувчи иштирокида ўтди.

Ёш иқтидор эгаларининг билими тарозига солинган мусобақада Туркистон вилояти ўқувчилари 3та олтин, 7та кумуш, 12та бронза медалга эгалик қилишди. Илмий лойиҳа якуни бўйича Жетисай туманидаги "Дарын" ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчилари – Бўлат Маханбетов ва Даниял Турсимурат ҳамда Сариоғоч туманидаги 4-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Бағила Анарбек олтин медаль соҳиблари бўлишди.

Кумуш медалларни Кентов шаҳридаги ихтисослаштирилган "Дарын" мактаб-интернати тарбияланувчилари ютиб олишди. Шунингдек, Кентов шаҳридаги "Чўрноқ" умумий ўрта мактаби, Қазиғурт туманидан ихтисослаштирилган физика-математика мактаб-интернати ва Туркистон шаҳридаги Н. Ўндасинов номли ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари бронза медали билан тақдирланди.

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ТАЙИНЛАНДИ

**ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ РОЗИЛИГИ ҲАМДА ҚР БОШ ПРОКУРОРИНИНГ БУЙРУҒИГА БИНОАН ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ПРОКУРОРИ ЛАВОЗИМИГА МАРАТ АЛИХАНОВ ТАЙИНЛАНДИ.**



*Минтақа фаолларига Туркистон вилоятининг янги прокурорини ҚР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Берик Асилов таништирди.*

*Марат Алиханов собиқ Целиноград вилоятининг Есил шаҳрида 1965 йили туғилган.*

*Е. Бўкетов номидаги Қарағанди давлат университетини «ҳуқуқшунос» ихтисоси бўйича тамомлаган.*

*Меҳнат йўлини 1989 йили Ақтўбе вилоятининг Ақтўбе шаҳар прокуратурасида эксперт-терговчи хизматидан бошлаган.*

*Шу кунга қадар Павлодар вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажариб келган.*

*Жамоат тартиби ва қонунчиликни таъминлаш соҳасида эришган ютуқлари ва алоҳида хизматлари учун Давлат раҳбарининг буйруғи билан II даражали «Айбын» ордени ва «Қозоғистон Республикасининг Мустақиллигига – 20 йил» ва «Қозоғистон Конституциясига – 10 йил» медаллари билан тақдирланган.*

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

# Туманлараро йўллар таъмирланади

## Туркистон шаҳрида ўтган йили 100та кўча ободонлаштирилса, жорий йилда ҳам 100та кўча янгиланади.



*Минтақада туманлараро асосий йўллар тўкис ва жорий таъмирдан ўтказилди. Ўтган йили вилоятимизда республика аҳамиятига эга йўлларни таъмирлашга 51 млрд. тенге сарфланди. Ажратилган маблағга 716та иншоот, 1 минг 738 чақирим узунликдаги йўл таъмирланган. Чордара йўналишидаги ўйдим-чуқур йўллар ўтган йили режага киритилмай, шу ҳолда қолган эди.*

*Қўшни Ўзбекистон билан чеградош йўллар ҳам жорий йилда тузатилади. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва режалар билан вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев ҳисобот мажлисида халқни таништирди.*

*– Чегарадош жанубий ўлкамиздаги туманлараро йўлларга катта эътибор беряпмиз. Чордарага борадиган йўлни тўкис ҳамда ўрта таъмирдан ўтказамиз, – деди вилоят ҳокими.*

*Шунингдек, қадим Туркистоннинг эскирган йўлларини янгилаш ишлари ҳам жорий йилда жадал суръатда олиб борилиши таъкидланди.*

*– Туркистонда 845 чақирим йўлнинг 20 фоизи асфальтланди. 2019 йилда 7,9 млрд. тенге маблағ ажратилиб, кўрсаткич 33 фоизга етказилди. 2020 йили вилоят марказидаги кўчаларни таъмирлашга 6,1 млрд. тенге ажратилиб, созланган кўчаларни йилнинг охиригача 50 фоизга етказамиз. Ўтган йили 100та кўча ободонлаштирилган бўлса, жорий йилда яна 100та кўчада қурилиш ишларини олиб борамиз, – деди ҳоким.*

*Бундан ташқари йўлларнинг бўйи кўкаламзорлаштирилиб, шаҳар атрофида "яшил белбоғ" барпо этилади. Туркистонга кираверишдаги Бекзат Саттарханов кўчасининг янги қиёфасига ўхшатилиб, минтақамиз шаҳар ва туманларидаги кўчалар янгиланади.*

**"Жанубий Қозоғистон" мухбири.**

ҚР Ҳукумати харажатларни тахминан 129 млрд. тенгега қисқартирди.

# СУИЦИД ҲОЛЛАРИ КАМАЙДИ

**Вилоят ҳокимлиги ўсмирлар ва болалар орасидаги суицидни камайтириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Бажарилган ишлар натижасига кўра Туркистон вилоятида бултур болалар орасида ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичи 32 фоизга озайган. Хожа Аҳмад Яссавий номидаги ХҚТУда бошланган 76 соатлик тажрибага мўлжалланган қалдирғоч лойиҳаси доирасида бошланган курс давомида малакали мутахассислар ана шундай фикр билдиришди.**



Ёшлар орасидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, руҳшуносларни йиллар бўйи муаллифлар томонидан турли синовлардан ўтказилган усуллар билан таништириш мақсадида бошланган янги лойиҳа минтақадаги мактаб директорлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда руҳшуносларни бир жойга тўплади. Унда ХҚТУ раҳбарияти, таълим маскани олимлари ва вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбарлари, прокуратура вакиллари қатнашдилар. Икки ҳафталик курс давомида устозлар дунёвий тажрибада синалган психологик амаллар билан таништирдилар.

Мутахассислар ва тадқиқотчилар эса ўша йўналишдаги илмий тажрибалари, муаммони ҳал этиш йўлларини ўртоқлашишди.

Минтақа раҳбариятининг бевосита назоратида турган масала бўйича бир неча йўналишда аниқ ишлар қилинмоқда. Шулардан бири – «Бестерек» лойиҳаси. Унинг доирасида мингдан зиёд педагог-руҳшунос навбатма-навбат тайёргарликдан ўтмоқда.

Тайёргарликдан сўнг улар «таваккал гуруҳи»га кирадиган болалар ва уларнинг ота-оналари билан тиғиз фолият юритиб, қўллов кўрсатмоқдалар. Айтганча, 2018 йили вилоятда 106 суицид рўйхатга олиниб, улардан 41таси фожеали тугаган. Бултур мазкур кўрсаткич анча камайди.

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

# ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИ

**БОЛА ПАРВАРИШИ УЧУН НАФАҚА ТЎЛАШ МУДДАТИНИ 3 ЙИЛГА УЗАЙТИРИШ КЎРИЛМОҚДА**

**Буни ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Биржан Нуримбетов маълум қилди.**

«Ҳар йили юртимизда 400 мингга яқин чақалоқ туғилади. Она ва болани қўллаб-қувватлаш учун нафақаларнинг бир қанча тури мавжуд. 2019 йилда бюджетдан 78 млрд тенге, мажбурий ижтимоий тиббий суғурта жамғармасидан 167 млрд. тенге ажратилди. 2020 йилда бюджетдан 84 млрд. ва МИТСдан 187 млрд. тенге ажратилади», – деди вазир. У, шунингдек, бола парвариши сабабли таътилда бўлган оналарнинг пенсия бадалларига субсидия берилишини ҳам маълум қилди. Шу мақсадда 2019 йилда 5 млрд. тенге ажратилган бўлса, 2020 йилда 6 млрд. тенге ажратиш кўзда тутилган.

«Алтын алқа», «Күміс алқа» нишонлари билан тақдирланган, «Қаҳрамон она» унвони берилган 235 минг кўп фарзандли оналарга махсус нафақалар берилади. Имконияти чекланган болалар, болалигидан биринчи гуруҳ ногиронларини парвариш қилувчи жами 99 минг одамга ойлик нафақалар берилмоқда.

– Бугун биз бола парвариши учун нафақа тўлаш муддатини 3 йилга узайтириш масаласини кўтариб чиқмоқдамиз. У муҳокама қилинмоқда. 1,5 ёки 3 йилга узайтириш масалалари кўрилмоқда. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалардаги мактабга бормайдиган ногирон болаларга кафолатли ижтимоий пакетни уйига етказиб бериш имкониятлари кўриб чиқилмоқда, – деди Биржан Нуримбетов.

**ҚозАхборот.**




**БЕШИНЧИ СЎЗ**

Баъзан ичингдаги қайғу-ҳасрат ўзингга ҳам бўй бермай, ташқарига отилиб чиқади: бадан-баданингни жимирлатиб, бўғин-бўғинларингни бўшаштириб, ё кўзингдан ёш бўлиб, ё эса тилингдан сўз бўлиб оқади. Мен қозоқларнинг бир неча марталаб: "Э, худоё, ҳаргиз ёш боладай беғам қилгайсан!"– деб тилак тилаганларини ўз қулоғим билан эшитганман. Бундай дейишларининг сабаби: гўё улар ўзларини ёш болалардан ақллироқ ҳисоблаб, ғамгин кўрингуси келади. Хўш, уларнинг ғамлари нимадан иборат? Буни уларнинг мақолларидан ҳам билиб олса бўлади: "Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиғ", "Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман", "Мол – одамнинг жигар гўшти", "Моли кўпнинг – юзи ёруғ, моли йўқнинг – юзи чориқ", "Эр озиғи билан бўри озиғи йўлда", "Эрнинг моли элда, хоҳлаганда қўлда", "Еган оғиз уялар", "Олағон қўлим берағон", "Мол топган эрнинг ёзиғи йўқ", "Бойдан умидсиз – худодан умидсиз", "Қорнинг очса, қорали уйғача чоп", "Сайри йўқ қўлдан без, хайри йўқ элдан без", деган каби мақоллари жуда кўп.

Хўш, бу мақоллардан қандай маъно чиқади? Бундан маълум бўладики, қозоқлар тинчлик учун, илм-фан учун, адолат учун ғам емас экан, балки аксинча, мол-дунё учун ғам чекар экан; қандай қилиб мол топишнинг йўлини билмас экан; билганлари ҳам молликларнинг молини алдаб ёки авраб олиш, борди-ю, унга ҳам кўнмаса, ёвлашиб олишдан иборат экан. Агар моли бор бўлса, ўз отаси билан ёвлашишдан уялишмас экан. Ишқилиб, ўғрилик, шумлик, тиланчилик қўйинг-чи, шунга ўхшаш ярамас фазилатлар билан мол топса – буни айбга санамаслигимиз керак экан.

Буларнинг ёш бола ақлидан қаери ортиқ? Лекин, қизиғи шундаки, ёш бола лангиллаб олов ёниб турган ўчоқдан қўрқади, аммо мана булар эса дўзахдан ҳам қўрқмас экан; агар ёш бола уялса – қизариб, ерга қарайди, аммо булар эса без бўлиб тураверар экан. Шуми буларнинг ёш боладан ортиқлиги? Қўлимиздаги бор молимизни улашиб бермасак, биз ҳам ўшалардек бўлмасак, юз ўгиришар экан, шумиди бизга керак элу юрт?

**Носир ФОЗИЛОВ таржимаси.**

**Тулкибош туманида «Ғамхўрлик» лойиҳасида қатнашаётган 93 оилага атрофлича қўллов кўрсатилмоқда.**

# ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Лойиҳа доирасида маълум бир сабаблар билан қийинчиликка дучор бўлган оилаларга атрофлича ғамхўрлик кўрсатиш орқали уларни қашшоқликдан қутқариш чоралари изчил амалга оширилмоқда. Бунда саховатпеша инсонларнинг ҳам кўмаги катта бўлмоқда.

Масалан, «Феррум Констракшин» МЧБ, «Грамад» гипермаркети ва «Мадина» макарон фабрикаси ҳомийлигида кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат улашилди, туман маслаҳати депутатлари, тадбиркорлари, округ ҳокимлари ва корхоналар раҳбарлари четда қараб туришмаяпти.

Келгусида таъкидланган 93 оила орасидан уй-жойга ўта муҳтож биттасини аниқлаб, унга «Абай» номидаги мактаб-лицейнинг 2000 йилги битирувчилалари уй калитини топширмоқчи. Бундан ташқари, туман «Мейірім» кўнгиллилар гуруҳи ҳам «Харекет» жамғармаси билан ҳамкорликда «1000 тенгега бошпана» лойиҳаси орқали уйга муҳтож кишиларга уй қуриб беришни режаламоқда.

Ғамхўрлик чораларидан ташқари, туман ҳокимлиги ҳар бир оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва ўзининг касбини очишда кўмаклашмоқда.

Туманда ҳамжиҳатлик билан амалга оширилаётган чоралар натижасида муҳтож бирodарларнинг оёққа туриб кетиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

**С. ШАРИФБОЕВА.**

# ҚАТОР ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН АХКМга БОРИШ ШАРТ ЭМАС

**Қозоғистонликлар энди адлия идоралари орқали қатор давлат хизматларини олиш учун АХКМ ва рўйхатга олиш органларига (ФХДЁ) мурожаат қилишлари керак эмас.**

Ушбу қулайлаштириш «Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига давлат хизматларини кўрсатиш тўғрисида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қабул қилинган ўзгартиришлар туфайли амалга оширилди.

Шундай қилиб, автоматлаштириш муносабати билан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг айрим турлари чиқариб ташланади:

- иккита гувоҳноманинг ўрнига: асраб олиш ёки оталик ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига, рўйхатга олиш идораси боланинг шахсий маълумотлари ва ота-онаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган фақат битта туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани беради. Илгари, ота-оналар, ушбу сертификатлар йўқолган ёки бузилган тақдирда, такрор олиш учун мурожаат қилишган;

- ажрашиш тўғрисидаги суд қарорини рўйхатдан ўтказишга ҳожат йўқ, яъни гувоҳнома олиш учун ФХДЁ билан боғланиш шарт эмас. Энди никоҳ бекор қилинганидан кейин судлардан олинган маълумотлар автомат равишда суд тизимининг маълумотлар базасига киради.

Ушбу янгиликлар туфайли ўрта ҳисобда 100 мингга яқин фуқаро ушбу хизматларни олиш учун Давлат корпорацияси филиалларига ёки рўйхатга олиш органларига мурожаат қилишга мажбур бўлмайди. Масалан, сўнгги 3 йил ичида уч юз мингдан ортиқ бундай ҳужжатлар, ҳар йили ўртача юз мингга яқин актлар рўйхатга олинади.

Фуқароларни рўйхатга олиш органи давлат органлари ахборот тизимларидан олишлари мумкин бўлган ҳужжатларни тақдим этиш заруратини истисно қилади:

- туғилишни рўйхатдан ўтказишда тиббий маълумотномани ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳномани (агар ота-оналар қонуний никоҳда бўлса) тақдим этиш шарт эмас;

- оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, тиклаш, ёзув ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида суд қарори қабул қилинаётганда суд қарорини қоғоз шаклида тақдим этиш шарт эмас.

«Масалан, агар бола туғилган бўлса, илгари ФХДЁ органларига тегишли тиббий маълумотномани ёки туғилишнинг қонуний далилига оид суд қарорини тақдим этиш керак эди. Энди сиз ушбу ҳужжатларни олиб келишингиз шарт эмас. Ушбу маълумотлар бошқа давлат идоралари тизимидан олинган», маълум қилишди идорада.

Шунингдек, фуқароларга имкон қадар қулайлик яратиш мақсадида фуқаролик ҳолати далолатномалари барча турларини қайд этишнинг территориал тамойили жорий этилди:

- туғилишни рўйхатга олиш, туғилган жойи ёки ота-онасининг рўйхатидан қатъи назар, ФХДЁнинг ҳар қандай органида амалга оширилиши мумкин;

- исм-шариф ўзгартиришни рўйхатдан ўтказиш ариза берувчининг қаерда рўйхатдан ўтганлигидан қатъи назар, ФХДЁнинг ҳар қандай органида амалга оширилиши мумкин;

- вафот этганларни рўйхатга олиш ФХДЁнинг ҳар қандай органида, вафот этган ёки рўйхатга олинган жойидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин;

- такрор гувоҳномалар ва маълумотларни фуқаронинг ФХДЁ органида, туғилган жойидан, фуқароликни расмийлаштириш жойидан ёки яшаш жойидан қатъий назар олиш мумкин.

"Юқорида таъкидланган барча янгиликлар давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини рақамли шаклга ўтказиш ва фуқароларнинг вақт ва молиявий харажатларини қисқартириш имконини беради", таъкидлашди идорада.

**Казправда.дан**

**Қозоғистонликлар ўтган йили 700 млрд. тенгелик товарни онлайн турда харид қилишган.**

# ҲАММАСИ ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ



**“Ота-она, устоз, ўқувчи: келажакка мўлжалланган ҳамкорлик” мавзуи Туркистон шаҳрида ўтган республика ота-оналар форумига асос бўлди.**

Муҳим масала муҳокамасида Қизилўрда, Тараз, Шимкент шаҳарлари ва Туркистон вилоятидан ота-оналар, ғамхўрлик кенгаши раислари, касаба уюшмалар аъзолари, мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ва ёшлар ташкилоти аъзолари иштирок этдилар.

Мақсад – ота-оналарни таълим соҳасидаги илғор трендлар, қадриятларга асосланган таълим усул-услубларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш ва педагогик, психологик саводхонликни ҳамда мактаб ва оиланинг ҳамкорлигини кучайтириш. Шунингдек жамият эътиборини таълим соҳасига қаратиш, педагог обрўсини кўтариш, фуқароларни ўз устозларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашга ундашдан иборат.

Кўламдор тадбирда 400дан зиёд ота-оналар иштирок этди.

– Оилада эътиборсиз қолган болалар меҳр-оқибатни ташқаридан излай бошлашади. Уларнинг орасида турли муаммоларга дуч келиб, чигалликлардан чиқа олмай қоладиганлари ҳам учрайди. Шу туфайли уларда тошбағирлик хусусияти уйғониб, ота-онасининг тарбиясига кўнмайдиган бола шаклланади. Болаларимизнинг жони-тани омон бўлсин десак, биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим. Ота-онанинг бола тарбиясига бўлган қараши ва улар билан муносабати маромида бўлиши керак, – деди йиғилиш давомида Туркистон вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармасининг раҳбари Рахимбек Жўлаев.

Вилоятнинг бош устози бола ва ота-она ўртасидаги муносабатни яхшилаш учун, минтақадаги барча таълим даргоҳларида маънавий-инсоний тарбиянинг ривожланишига бевосита таъсир қиладиган чора-тадбирларни санаб ўтди.

Оилавий тарбияни, айниқса, оталар билан ишлашни кучайтириш мақсадида бултур “Оталар мактаби” очилди. Туман, шаҳар таълим муассасаларида 800та фахрийлар, 900та оталар, 709та ёшлар етакчилари кенгаши фаолият юритади.

**Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**

# Д. БЕЛАСАРОВ: “МАҚСАДИМИЗ – АҲОЛИГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ”



**Шу кунларда Ижтимоий муҳофаза, аҳоли бандлиги, кўп болали оилалар, уларнинг молиявий таъминоти долзарб масалаларга айланган. Шу боис ҳам яқинда Шимкент шаҳар ҳокимлиги аҳоли бандлиги марказининг директори Дархан Беласаров билан суҳбат уюштирдик.**

**– Ёшларни иш билан таъминлашда “Ёшлар амалиёти”нинг роли юқори. Ушбу лойиҳа асосида ўтган йили қанча йигит-қиз ишга йўлланма олди?**

– 2019 йили Шимкент шаҳри бўйича унга 2795 йигит-қизни йўллаш режаланган эди. Амалда 3503дан зиёд ишсиз ёшлар дастур доирасида турли муассасаларга, корхоналар ва ишлаб чиқариш ўринларига йўлланма олди. Улардан 875 нафари доимий ишга ҳам жойлашди.

**– Ишсизликни камайтиришда жамоат ишларининг ўрни ҳам ўзгача. Ўтган йили доимий иш топганлар қанча?**

– 2019 йили шаҳарда 41 768 фуқаро ижтимоий қўллов чоралари билан қамралди. Асосий режамиз 40 804 эди. Яъни, режа ортиғи билан бажарилди. Ишсизларни доимий, вақтинча ва янги иш ўринларига юбордик, жами 28 339 ишсиз фуқаро йўлланди. Шулардан бири – жамоат иш ўринлари. Ўтган йили 2252 киши жамоат ишларига юборилди. Айтиш жоизки, бундай ишлар ишчидан олдиндан касбий тайёргарликни талаб қилмайди. Унда иштирок этиш муддати 12 ойдан ошмайди. Унга йўлланган фуқароларнинг 200дан зиёди доимий иш билан таъминланди.

**– Агар оила раҳбари таклиф этилган ишдан бош тортса, уларга ижтимоий ёрдам берилмайди. Ҳар бир кишига мутахассислиги бўйича иш бериладими ёки дуч келган ишга бориши керакми?**

– Манзилли ижтимоий ёрдамнинг шарти бўйича оиладаги ишга лаёқатли фуқаролар ишга жойлашишлари керак. Яъни, ҳар қандай ишга расмий жойлашишга рухсат берилади. Ўз навбатида марказ мутахассислиги бўйича ва бошқа ишларни ҳам тавсия этади. Таклиф қилинган ишдан бош тортиш эса ҳар бир фуқаронинг ихтиёрида. Бироқ, бош тортган ҳолда МИЁ олти ойга тўхтатилади. Олти ойдан кейин фуқаро марказ кўмагига такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**– enbek.kzнинг афзалликларини айтиб берсангиз? Аталган порталга мурожаат қилувчилар сони ўсяптими?**

– Марказда “Электрон меҳнат биржаси” ягона ахборот базаси жорий этилган. Мазкур порталга иш берувчилар, бандлик марказлари, ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган хусусий агентликлардан бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар ва резюмелар жойлаштирилади.

Иш излаб юрганлар бандлик марказига келмасдан, тўғридан тўғри www.enbek.kz саҳифасидаги электрон биржага кириб, ўз резюмеларини рўйхатга қўйишлари мумкин. Иш берувчиларнинг муносиб таклифларини танлаб, резюме йўллашга бўлади.

Ўтган йили мазкур порталда Шимкент шаҳри бўйича 2000дан зиёд иш берувчи рўйхатга олинди. 20262 бўш иш ўрни эълон қилиниб, 10 мингдан зиёд фуқаро йўлланма олди.

**– Айтайлик, иш изловчиларга доимий иш топилмаса-чи?**

– У ҳолда қисқа муддатли касбий ўқишга йўллаймиз.

**– Ҳозир меҳнат бозорида қайси касбларга эҳтиёж катта?**

– Техника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва педагогика ихтисосликларига эҳтиёж катта. Шунингдек, тикувчи, қандолатчи, сартарошларга ҳам талаб бор.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.**

**● Спорт**

**Буюк аллома Абу Наср ал-Форобийнинг 1150 йиллиги, шоир, мутафаккир Абай Қунанбайулининг 175 йиллиги ва “Grand MALIKA” қандолат маҳсулотлари” МЧБнинг 10 йиллиги муносабати билан Nur Otan партияси Қаратау туман бўлими ва Ўринбой Урайимжонов раҳбарлик қилаётган “Grand MALIKA” ташаббуси билан Сайрамдаги 12-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳудуддаги мактаблар орасида волейболдан турнир уюштирилди.**

# ИСТЕЪДОД, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ УЙҒУНЛИГИ



Мусобақанинг очилиш маросимида “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири А. Сотволдиев, Nur Otan партияси Исфижоб бошланғич ташкилоти раиси Т. Нишонбоев, “Устаз жолы” жамоат бирлашмаси раисаси У. Исабаева, Сайрам даҳаси фахрийлар кенгаши раиси Ш. Раҳметов, З. Ҳусанов номидаги 110-сонли мактаб директори Х. Йўлдошевлар саховатпеша тадбиркорга эзгу тилакларини билдириб, жамоаларга муваффақият тилашди.



Улжан Исабаева Акбарали Ураимжоновни “Құрметті ардагер” ордени, қатор ижтимоий лойиҳалар ҳомийси Ўринбой Ураимжоновни эса “Меҳнат шуҳрати” ордени, “Спорт” медаллари билан тақдирлади. Мусобақа меҳмонлари – боксдан бир неча карра Осиё чемпиони, Қозоғистон чемпиони Биржан Жақипов, Ўрдабоши тумани миллий спорт ўйинлари ҳамжамияти раиси Нуртас Ахметовлар ҳам минтақада спортнинг ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган Ў. Ураимжоновга яхши ниятларини билдиришди.

Тортишувларга бой мусобақа якунида З. Ҳусанов номидаги мактаб жамоаси – учинчи, Е. Юсупов номли мактаб жамоаси – иккинчи, барча рақибларини доғда қолдирган ал-Форобий номидаги мактаб жамоаси эса биринчи ўринни эгаллади.

Дилшод Исаметов (ал-Форобий) – “Энг яхши ўйинчи”, Шорустам Сидиқов (71-сонли мактаб), Шорасул Сидиқов (Ю. Сарёмий) – “Энг яхши ҳужумчи”, Баҳром Тўлахўжаев (З. Ҳусанов) – “Энг фойдали ўйинчи”, Темур Эргашев (Е. Юсупов) – “Энг яхши тўп узатувчи” номинацияларини қўлга киритишди.

Ҳар қандай спорт мусобақаси тортишувларга бой, муросасиз ўтиши маълум. Жамшид Пўлатов бошчилигидаги ҳакамлар – Зиёбек Ҳусанов, Ғолиб Ҳайитметов ва Мурод Комилвоевлар ўйинларнинг ҳаққоний ва адолатли ўтишига ҳаракат қилишди.

Турнир якунида барча ғолиб ва совриндор жамоалар кубок, медаль ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**

# ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

**Нур-Султан шаҳрида 2004-2006 йилларда туғилган ўғил болалар орасида Политехника коллежи Кубоги учун республика турнири ўтди.**

Унда Шимкент шаҳри спорт шарафини ҳимоя қилган Сайрам даҳасидаги 12-сонли спорт мактабининг ёш волейболчилари фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Жамоа аъзоси Омонниёз Мадусмонов турнирнинг энг яхши ўйинчиси номинацияси соҳиби бўлди. Шунингдек, волейболчилардан Диёрбек Икромов, Муроджон Ҳавазматов, Жандўс Ауесханов, Диёрбек Худойберганов, Диёрбек Рустамхонов, Шоҳрух Нуралиев ҳамда Самандар Мирзаҳмедовлар жамоа ютуғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

***

**Сайрам даҳасидаги 12-сонли спорт мактабида Сайрам ва Бозорқопқа даҳаларидаги улфат-жўралардан ташкил топган бешта жамоа ўзаро беллашди.**

Қатнашчиларнинг ёшлари ҳам турлича бўлиб, асосий мақсад дам олиш кунларида бўш вақтни мазмунли ўтказишдан иборат эди. Қизиқарли волейбол мусобақаси 1973 йилда туғилган улфатларнинг чиройли ғалабаси билан якунланди, иккинчи ва учинчи ўринларни 1979 ҳамда 1989 йилда туғилган улфатлар жамоалари эгаллади.

**И. ТОЖИБОЕВ.**

● Ойбек таваллудига – 115, «Қутлуғ қон» романига – 78 йил

# ОЙБЕК ДОМЛАНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ



“Бир қарич ерларинг борлигини эшитган эдим, қўлларингдами?

– Йўқ, ер сотилиб кетган.

– Чакки бўлибди, жиян. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Бу гапнинг мағзини чақ. Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охирида гадо бўлишди”.

Доно, оталарга хос ўгит. Асарнинг бошидан охиригача Мирзакаримбойнинг енгил-елпи иш тутиши ё пала-партиш гапирганига дуч келмайсиз. Зеро, ана шундай етти ўлчаб, бир кесиши, тадбиркорлиги туфайли бири икки бўлган унинг.

Вақтида бошига оғир кунлар тушганини, аммо тадбир билан иш тутиб, шу даражага етганини жиянига гапириб беради у.

Ойбек уни шундай таърифлайди: «Бой ўз умрида кўпни кўрган, кўпни таниган, турли шаҳар ва туманда одамлар билан муомала қилган, унинг қўлидан жуда кўп хизматкор, қарол, чоракор ва ҳоказо ўтган. Шунинг учун одамни тез англаб олар эди, ўзининг бу хислатига чуқур ишонарди».

Ойбек домла бирор жойда фалон образнинг салбий ё ижобий эканлигини таъкидламаган, холис тасвирлаган, холос. “Қутлуғ қон»даги образларга эътибор беринг: тамоман қора ёки оқ бўёқ билан тасвирланган қаҳрамонларни кўрмайсиз. Ҳаётда қандай бўлса, шу тарица тасвирланган. Ёзувчи ҳамиша холис.

Бугун жамиятимизда яна Мирзакаримбойга ўхшаш бойлар, Йўлчига ўхшаш кам таъминланган кишилар пайдо бўлди. Жумладан, бугунги тадбиркорлар Мирзакаримбойдан тежамкорлик, заковат, уддабуролик каби хислатларни ўзида мужассамлаштиришга мажбур. Лекин бойнинг ярамас одатлари ҳам борки, ундан қочиш кераклиги маслаҳат берилаётгандай...

Ўтган асрнинг бошидаги турмуш тарзи, урф-одатлар, халқнинг ҳаёти, маишатга берилган бойваччалар ва бошқа маълумотларни Ойбекдай акс эттирган адиб камдан-кам. Бу асар биз ва келажак авлод учун энг ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

“Қутлуғ қон»да кўпчилик, ҳатто танқидчилар ҳам эътибор бермаган бир образ бор. Бу – жадид Абдушукур образидир. У бойлар даврасида бўлганда ҳам, камбағаллар билан учрашганда ҳам илм-маърифатдан гапиради.

«Биз, Туркистон мусулмонлари чуқур ғафлатдамиз, – дейди у. – Агар биз жаҳду-жадал қилиб, бу жаҳолат ботқоғидан қутулмасак, тараққиёт йўлини тутмасак... муқаддас ерларимиздан ажраб қоламиз».

Бу фақат жадиднинг жасоратигина эмас, қаттол бир замонда ана шу гапни ёза олган Мусо Ойбекнинг матонати ҳамдир. Лекин, гап шундаки, Абдушукурнинг гапига қулоқ соладиганлар йўқ ҳисоби. Бойлар пулни, камбағаллар қоринни ўйлайди. Жадиднинг гапи бизнинг давримизга тўғри келадими? Мен ҳам Ойбек домла каби ҳақиқатни тушуниб етишни ўзингизга ҳавола қиламан. Қозоғистонда нашр этилаётган ягона давлат нашри «Жанубий Қозоғистон»ни бир четга суриб қўйиб, ғафлатда қолаётганлар оз эмаслигини эслатиб қўйишни лозим топдим. Маънавиятимиз эътибордан четда қолаётганини ҳам ёдингизга солмоқчиман.

Муҳтарам газетхон! Агар «Қутлуғ қон» видеофильмини кўрган бўлсангиз, бир лавҳа ёдингизда қолгандир. Белкурак, кетмон, болта билан қуролланган дарғазаб оломон пристав маҳкамаси сари йўл олади. Шунда уларнинг қаршисида жадид Абдушукур пайдо бўлади.

– Қаёққа боряпсизлар? Қайтинглар! Бу нодонлик! – дейди у.

– Эркак киши бўлсанг, йўлдан қоч! – дейди бир аёл.

Биз шу пайтгача ўша аёлнинг гапига қарсак чалиб келдик. Бугун мустақиллик туфайли онгимизда ўзгаришлар содир бўлди ва жадид ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қиляпмиз. Беҳуда ўққа учганларнинг хатосини тушуняпмиз. Ҳар қандай замонда ҳам маърифат соҳибларига қулоқ тутганлар ҳақ бўлиб чиқишган.

«Қутлуғ қон»даги яхши одамлар, эзгуликлар ҳақида ўйлар эканман, устоз Ойбекнинг чеккан изтиробларини, мактаб дастури бўйича Ойбек домлани танқид қилганимизни эслайман. Ўқитувчимиз олиб келган дарсликлардан бирида «Қутлуғ қон» асарида руслар образи етарлича ёритилмагани, инқилобий ҳаракатлар тўлақонли акс эттирилмаганлиги айтилган эди.

Йиллар ўтиб, Ойбек домланинг изтиробларини чуқурроқ ҳис этаётгандай, у чеккан уқубатларни озроқ бўлса ҳам туйгандай бўламан.

Муҳтарам биродар! Эҳтимол, «Қутлуғ қон”ни ўқимаганингизга анча вақт бўлиб қолгандир? Қайтадан бир ўқиб чиқинг, маънавий жиҳатдан анча бойийсиз. Бунга мен кафилман.

**Авазхон**
**АБДУФАТТОҲ ўғли.**

# *Тарих муҳрлаган сўзлар*

*Нажиб Маҳфуз (1911-2006) – мисрлик араб ёзувчиси. Қоҳира университетининг адабиёт факультетини тугатган. XX асрнинг биринчи ярмидаги Миср оилалари ҳаёти ҳақида “Нил устидаги сафсата” ва “Мирамор пансионат” (1966), “Ёмғир остидаги севги” (1975) романларида Мисрдаги 1952 йилдаги инқилоб ва ундан кейин юзага келган муаммолар тасвирланган. “Илоҳий дунё” (1963), “Бадном хонадон” (1965), “Шийпон остида” (1969) новеллалар тўпламлари муаллифи Нажиб Маҳфузнинг кўпгина асарлари экранлаштирилган ва саҳналаштирилган. Асарларидан парчалар ўзбек тилида эълон қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1988). Қуйида унинг ибратли нақлларидан бир нечтасини ҳукмингизга ҳавола қиламиз.*

● Мўмин одамнинг ризқини ҳам, шифони ҳам ҳалолдан исташи фарздир!

● Ёлғиз ўзинг бўлсанг ҳам Ҳақ йўлда бўл!
Ботил йўлда бошқаларга шерик бўлма!

● Ўзларига таом берган қўлни тишлайдиган кимсалар, одатда, уларни тепадиган пойабзални ялайдилар.

● Агар туннинг қоронғулиги бўлмаганда, тонг отмаган бўларди.

● Баъзи кимсалар шундай деб ўйлайди:
Машинамнинг бузилиш сабаби – кўз теккан;
Аёлимнинг беморликдан боши чиқмаслигининг сабаби – кўз теккан;
Болам касал бўлиб қолишининг сабаби – кўз теккан;
Савдода зиёнга учрашимнинг сабаби – кўз теккан.
Бирорталарининг хаёлига эса “Бу мусибатларнинг сабаби - гуноҳлардир” – деган нарса келмайди.

***

● Инсоннинг ярим гўзаллиги тилидадир. Шундай экан, сўзларингизни чиройли қилинглар!

● Шундай гаплар борки, ҳеч нарса демайди.
Шундай сукутлар борки, кўп нарса дейди.

**Нажиб МАҲФУЗ.**

● Тилсим дунё



# МЕН БУГУН БИР ТУШ КЎРДИМ...

Кутилмаганда муюлишдан автобус йўлига қизил рангли енгил машина чиқиб қолди. Катта тезликда кетаётган автобус тўхтай олмади, даҳшатли тўқнашув юз берди. Енгил машинада беш кишидан фақат ўрта ёшлардаги аёлгина тирик қолди. Автобус ҳайдовчиси унинг катта-катта, мовий кўзларини эслаб қолди.

Шу он уйқудан уйғониб кетган ҳайдовчи "ҳайрият, тушим экан", деб енгил нафас олди. Олдинда иш куни. Сал ўтиб, автобусни бошқариб бораётган ҳайдовчи тушида кўрган жойга яқинлашар экан, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Беихтиёр тезликни пасайтирди.

Худди шу паллада унга қараб катта тезликда илониз бўлиб келаётган қизил енгил машинани кўриб, ҳайратга тушди. Кескин тўхташга улгурди. Қизил машина автобусга тегай-тегай, деб ўтиб кетди. Машина кабинасидан ўша, тушида кўрган кўк кўзли аёл қўл силтаб қолди.

Туш ҳақида илмий хулосалар анчагина, лекин тушдаги ҳолатлар, уларнинг ўнгидан келиши ё тескариси бўлиши ҳам тўлиғи билан ўрганилмаган тилсимлардан бири. Қўрқинчли туш кўрсангиз, кун бўйи кайфиятингиз бузилиб юради. Лекин ота-боболаримиз қандай туш кўришса ҳам ёмонликка йўйишмаган. Чунки, айни қўрқинчли туш туфайли сиз бўлажак хавфдан огоҳ бўлар экансиз.

Тушлар ҳақидаги илм парапсихология деб аталади, бу илм билан шуғулланиб, кўпгина маълумотлар тўплаган олимлардан бири Луиза Райн (1891-1983) фаолияти давомида 15 мингга яқин тушларни йиғиб, тадқиқ қилди. Унинг аниқлашича, юз бериши мумкин бўлган фалокатларнинг учдан иккисини бартараф этиш мумкин экан. Руҳшунос томонидан хавф-хатардан огоҳ этувчи 462 та туш ва башоратли кўриниш таҳлил этилди. Улардан 131таси туш кўрувчини огоҳлантирди ва бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинди. Аммо 60 нафар туш кўрувчининг кулфатни олдини олишга қилган барча ҳаракатлари зое кетди. Бунинг сабабини руҳшунос қуйидагича изоҳлайди. Тушда аён бўлган огоҳлантиришлар ўта пинҳона бўлганлиги учун уни кўрганлар маъносини тушуниб етмаган. Улар ўзига нима, қаерда, қачон хавф туғилиши мумкинлигини англай олишмаган. Ўзбек роман, фольклор ва эпосларида ҳам тушнинг таъбирини аниқ айтиб бера оладиган образларни кўплаб учратганмиз. Бундай таъбирчилар ҳар бир қишлоқ, шаҳарда бор. Лекин бизда парапсихология илми билан шуғулланаётган олимларимиз йўқлиги туфайли, тушнинг таъбирини аниқ айтиб бера оладиган онахонларимиз, отахонларимизнинг ота-боболардан мерос бўлиб келаётган бебаҳо таъбирлари йўқолиб боряпти.

Энди эса огоҳлантиришлар қандайдир фалокатнинг олдини олишга эмас, балки алоҳида бир шахс ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган ҳолатни олиб қарайлик. Бир қатор чет элларда бундай ҳолатларда таъбирчилар, руҳшунослар, экстрасенслар ёрдамидан фойдаланишади. Ер куррасининг аллақаерларида рўй бериши мумкин бўлган авиа, темир йўл ёки денгиз ҳалокатлари «жадвали» тузилади, уларнинг олдини олишнинг ҳамма чоралари кўрилади.

Тўлебий тумани Тасариқ қишлоғида истиқомат қилувчи бир фолбин онахон ҳам фол очиришга келган кишиларни бир неча кун олдин тушида кўрар экан. У йўқолган мол ё буюмларини аниқ айтиб берарди. 2015 йили ўғрилар тўдасининг бошлиғи у кампирдан бошқа фол очмаслиkни талаб қилади, акс ҳолда, ўлдириб кетишини айтади. Бу суҳбатга унинг невараси гувоҳ бўлган. Кампир фол очишда давом этаверган, орадан бир ой ўтиб, кампир набирасига тунда уни ўғрилар ўлдириб кетишини айтади.

– Буви, балки қўшни қишлоқдаги тоғамникига кетармиз, – дейди невараси.

– Фойдаси йўқ, бугун бўлмаса, эртага келишади. Лекин улар билмайдики, бу гуноҳ уларнинг етти авлодига уради.

Шу куни кечқурун кампирни ўлдириб кетишади.

– Мен бугун ёмон туш кўрдим, у ерга ҳозир бормайман, оёғим тортмаяпти, – деган кишиларнинг анчаси фалокатнинг олдини олганига гувоҳ бўлганмиз.

Шундай экан, қўркинчли тушлар ёки кўзимизга ҳаётимиз мобайнида намоён бўладиган турли даҳшатли ҳодисалардан қўрқмаслигимиз керак экан. Тушингиздами, ўнгингиздами, кўнглингизга ваҳима солувчи ҳодисаларни кўрсангиз, билингки, сиз дуч келишингиз мумкин бўлган хавфдан огоҳ этиляпсиз, бунинг учун Яратганга шукроналар келтиринг. Бундай пайтларда садақа бериб юбориш ҳам турли балоларни қайтаришини ота-боболаримиз таъкидлаганлар.

Ана шундай ҳолатнинг учтасидан иккитасида ўзингизни хавфдан холи этиш имкониятига эга бўласиз. Демак, «ёмон тушлар»нинг ҳам яхши томони бор экан.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

АҚШда Қозоғистон фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун қабул қилинди.

◆ Хатларингизни ўқиб

## Нобакорлик

*Инсон бахтли яшашни истайди. Келин олади, қиз чиқаради. Аммо айрим келинлар нобакор чиқиб қолса-чи?*

*Акром ака надомат билан сўзлаб берган ушбу воқеа ёқа ушлатади кишини.*

*– Бир куни ойимни кўриш учун укамникига бордим. Кўрпа-тўшак қилиб ётган эканлар. Ҳол-аҳвол сўрагандим, келинимиз арматура билан урганини айтди. Бу келин тушганига 6 йил бўлган-у, бироқ ҳамон ғурбат. Устига-устак, укам иккови ҳам ишламайди.*

*Жанжал арзимаган гўшт устида чиққан. Ойим қовурилган гўштдан бир-икки бўлак егани учун келин "боламнинг овқатини единг", дея арматура билан урибди. Қаҳрим келиб, келинга танбеҳ бердим, лекин у эътиборсиз уйига кириб кетди. Ойимнинг аҳволига ачиниб: "Юринг ойи, сизни олиб кетаман, биз билан яшайсиз", дедим. Сира унамадилар. Эртаси куни тиббий кўрикдан ўтиб, муолажа олдилар.*

*Ниҳоят, жанжаллардан чарчаган ойим келиннинг ота-онасига ортиқ бундай яшаб бўлмаслигини, ўғлини ажратиб олиб, орани очиқ қилиш вақти келганини, акс ҳолда, бу фожиа билан тугашини айтади. Пешинда куда қизига насиҳат қилгани келганда, келин тушликка овқат пишириб, ўзлари учун алоҳида, ойим учун алоҳида сузди. Орадан уч соат ўтар-ўтмас, ойим қоп-қора нарсаларни қайт қилиб, аҳволи оғирлашиб қолди. Ўтиб кетмагач, шифохонага олиб бордим.*

*Ҳафтанинг учинчи куни ойимни кўргани борганимда, шифокорлар афсус билан раҳматли бир соат аввал жон берганини айтиб, таъзия билдиришди. Овқатига дори қўшилган экан. Келин айбига иқрор бўлмади. Бунинг устига уй-жойни ҳам ўз номига ўтказиб олди. У билан курашиб, енгиб чиқишга ожизлик қилдик. Кўп жойларга мурожаат этдим, лекин фойдасиз. Эрини, яъни, укамни ҳам сиғдирмай, ҳайдаб юборибди. Ҳозир яхши юрист излаяпман, – деди Акром ака.*

**М. ПИРИМҚУЛОВА.**

## Пушаймон

*Икки қўшни жанжаллашиб қолди. Бири – Холбек, иккинчиси – Нурмат, болаларининг орасига тушиб, полициягача боришди. Холбек балоғат ёшига етмаганлар иши бўйича нозирдан Нурматнинг ўғли Ғанини ўғрилик қилгани учун рўйхатга олишни талаб қилди.*

*– Ҳовлидаги қозонимни ўғирлаб, темир-терсакка ўтказиб юборган, – деди у нозирга.*

*– Менинг ўғлим ўғирлик қилмайди, – деди Нурмат. – Ўғирлик қилса, ўзим адабини бериб қўяман. Сен туҳмат қиляпсан. Ота-боболаринг туҳматчи ўтган. Туҳмат қилмасанглар, оғриб қоласанлар.*

*– Исботлай олмаймизку, – деди нозир.*

*– Худога солдим, – деб Холбек кабинетдан чиқиб кетди.*

*Орадан икки йил ўтди. Қишлоқда Нурматнинг ўғли Ғани бир таксичини бўғмоқчи бўлгани ҳақида хабар тарқалди. Ҳайдовчи эпчиллик қилиб, машинани йўлга кўндаланг қилиб қўйибди ва натижада бошқа машиналар тўхтаб, ҳайдовчини ўлимдан қутқаришибди. Қочиб кетаётган Ғанини ушлаб, полицияга топширишибди. Мактабни энди тугатган йигитча етти йилга озодликдан маҳрум этилди.*

*– Балки, Ғанини мактаб пайтида рўйхатга олиб, балоғат ёшига етмаганлар инспекцияси профилактика ишларини юритганида у жиноятга қўл урмасмиди, – деди афсус билан отаси Нурмат.*

*Лекин пушаймондан фойда йўқ эди.*

**Б. НОРМАТОВ.**

## Уйғонган виждон

*Пулга ўчлигим туфайли, жарроҳ бўламан, дердим. Орзуим ушалиб, унга эришдим ҳам. Бу пул топишнинг энг осон йўли эди. Операциясиз шифо топмайдиганлар ноилож қолар, қанча десанг, олиб келарди. Бир куни бир онаизор олдимга зор қақшаб келди:*

*– Жон дўхтир, ёрдам беринг, ёлғизгина ўғлимни операция қилиш керак, дейишяпти.*

*Мен онахонга "катта" айтдим. У киши юзимга мўлтираб боқди:*

*– Бунча пулим йўқ, болажоним. Боримни олиб келаман. Фақат илтимос, тезроқ қаранг, – жавдиради аёл.*

*– Кечқурун навбатчиман. Дам олишим керак.*

*Шундай деб хонамга кириб кетдим. Онахон зорланганича ортимдан қараб қолаверди. Кечқурун ҳамшираддан эшитсам, ўғлининг кўричаги ёрилиб кетибди. Операцияга улгуришмаган экан. Боласини олиб кетаётган онани кўриб, дилим ғашланди.*

*– Вой болам, мен ўлсам бўлмасмиди! Бешта норасидага нима дейман-а...*

*Бундан олдин бир чол ҳам нафсим туфайли кўз юмганди. Унда унчалик таъсирланмагандим. Онанинг аламли овози виждонимни уйғотди шекилли, азобландим. Нафсим балоси бешта болани етим қолдирганди. Уйқумда ҳаловат қолмади. Марҳумлар туни билан бўғиб чиққандек бўлаверади. "Пулга ружу қўйдинг, пул туфайли бошингдан ажраласан. Ё бирорта пулга ёлланган қотил ўлдиради, ё пулингга эгалик қилиш учун ўлдиришади..."*

*Дод солиб уйғонсам, тушимда менга кимдир гапираётган экан!*

*Ёшим элликдан ошганда виждоним уйғониб, бу гуноҳларимнинг оғирлигини ҳис қиляпман. Уларни ювиб бўлармикан?!*

**Пушаймонлик билан Л.М.**

# Абадий садо

**Тўлебийлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Зулфиқар Қалиев илк бор жанг майдонида ижро этган "Бухенвальдский набат" ("Бухенвальд бонги") қўшиғини кўп йиллар "Армандастар" вокал-чолғу дастаси таркибида айтиб юрди. Дастанинг 35 йиллик юбилейида ҳам у ушбу ҳарбий қўшиқни ижро этди.**

БУЮК ҒАЛАБАГА 75 ЙИЛ



**– Бухенвальдда немис босқинчилари концлагерь очганини биламиз. Сизни Бухенвальд билан боғлаб турган нарса нима? Нима сабабдан орадан кўп вақт ўтса ҳам бу қўшиқни ҳаяжон билан ижро этдингиз? –сўрадим оқсоқолдан.**

– Бухенвальдни ҳам, ундан оғирроғи – Треблинка лагерини ҳам ўз кўзим билан кўрганман, у ердан қочган маҳбуслар билан суҳбатлашиб, мақолалар ёзганман, – деб бошлади отахон ҳикоясини. – Треблинка Варшаванинг ғарбида, Ғарбий Буг дарёси бўйида 1942 йили қурилган. Бу жойни рейхсфюрер Генрих Гиммлер танлаган ва у Треблинкадаги дўзах деб аталган. Бу лагерга Гиммлернинг буйруғи бўйича жаллодлардан бошқа ҳеч ким яқинлаштирилмаган. Ҳатто Германия авиацияси самолётларига ҳам бу тумандан учиб ўтиш ман этилган. Минглаб одамлар вагонларда келтирилган, лекин улар бу ерда нима кутаётганини билишмаган. Улар Варшава, Гродно, Белосток, Белоруссия, Чехословакия, Австрия, Болгария ва Бессарабиядан эди. Улар ҳаммомга киритилиб, ортидан заҳарли газ юборилган. Сўнг ўликлар чиқарилиб, газ камералари янги қурбонларга тайёрланган.

«Буларнинг хаммасини ёзиш шартмиди?» – дейдиганлар ҳам топилади. Ёзувчининг бурчи, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни халққа етказиш. Агар бунга кўзимизни юмиб ўтсак, айбсиз жон берган инсонлар хотирасини оёқ ости қилган бўламиз. Ҳақиқатни билмаган инсонлар қандай душман билан урушга кирганимизни ҳам билмайди, урушни ўйин деб ўйлайди.

– Треблинкага 2000 йиллардa бориб кўрганман, – дейди у. – Ер босқинчиларнинг сирларини яширишни истамай, одамларнинг майдаланган суяклари, буюмларини чиқариб ташлаган. Идиш-товоқларга ҳеч ким тегмаган. Ўрмоннинг ўртасига ким шунча идиш-товоқ олиб келиб ташлаган, деб ҳайрон бўласиз. Атир-упаларнинг идишлари, оёқ кийимлар қолдиқлари. Уларни олов, ёмғир, қор, вақт ҳам йўқ қилиб юборолмаган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумотни кутубхоналардан, уруш ҳақида ёзилган тўпламлардан олиш мумкин, шулардан бири «Уруш йўлларидан» деб аталади.

**– Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз.**

Турмуш ўртоғим Мамиркул билан 11 фарзандни вояга етказдик, ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топишган. Мен ўзим 1982 йилдан бери нафақадаман.

Йиллар ортидан йиллар ўтиб, уруш кўрган одамларнинг сафи озайиб бормоқда. Фақат хотирагина абадий.

– Тарихни бузиб кўрсатиш мумкин эмас, – деди суҳбатимиз сўнгида отахон. – Ота-боболаримиз айтган экан, «Агар сен ўтмишга тўппончадан ўқ отсанг, ўтмиш сенга замбаракдан ўқ отади», деб. Хатинь қишлоғидаги қўнғироқлар каби «Бухенвальд бонги» қўшиғи ҳам «абадий садо» бўлиб қолади.

Хотира абадий бўлсин, деб Тўлебий туман ҳокимлиги «Тўлебийлик жангчилар» деган китоб чиқарди. Унда Зулфиқар ота ҳақида ҳам маълумотлар бор.

**Б. ДЎСМАТОВА.**

**Тасвирда:** З. Қалиев санъаткорлар даврасида.

**Фарҳод шаҳарга борса, одатда, икки-уч кун қолиб кетарди. Бу сафар эса етиб келиши билан хотини қўнғироқ қилиб, онаси касалхонага тушиб қолганини, уни кўришни истаётганини айтди. У шошиб қолганидан ишларини ҳам битирмай автомобилига ўтирди. "Уйгача беш соатлик йўл, тезроқ ҳайдасам, уч соатда етиб бораман", – ўйлади машинани ўт олдираркан. Ва катта йўлга чиқиши билан тезликни кескин оширди. Йўлдаги автомобилларни бирин-кетин қувиб ўтиб борар, хаёлида фақат онаси эди.**

# Гўдак кўтарган аёл



Афсуски, қиш ҳавосида бундай тез юриш жуда хавфли эканини унутиб қўйганди. Навбатдаги машинани қувиб ўтиши билан, бехосдан йўл ўртасида бир аёл пайдо бўлди. Қўлида гўдак кўтариб олган. Фарҳод унинг қаердан пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Машина эса жуда яқин келиб қолганди. Нима қилиш кераклигини билмай, рулни чапга бурди. Катта тезликда келаётган машина дарахтга урилди. Ҳайдовчи олдинги ойнадан отилиб чиқиб кетди. Дарахт йўғон бўлишига қарамай, қулаганди. Машина яна бир неча метрга думалаб кетди.

Мўъжиза туфайли тирик қолган Фарҳод унчалик қаттиқ жароҳат олмаган, юзи озгина шилинган эди. У аёл турган жойга қаради. Хотин ҳам, гўдак ҳам йўқ. Уриб юбордим, шекилли, деб ўйлаб, атрофга қаради. Лекин улар йўқ. Орқада келаётган машина тўхтаб, ҳайдовчи унинг ёнига етиб келди. Яқинда жойлашган дўкон сотувчиси ҳам югуриб келди ва иккаласи уни касалхонага олиб боришди.

Фарҳод бир неча дақиқадан сўнг ўзига келди ва ёнида ўтирган ҳамширадан:

– Аёлга нима бўлди? Бола-чи? – деб сўради.

– Қайси аёл? Қанақа бола? Тушунмадим, – ҳайрон бўлди ҳамшира .

– Йўлимга чиққан аёлни айтяпман. Гўдак кўтариб олганди.

– Мен ортингиздан келаётгандим. Йўлда ҳеч ким йўқ эди, – ҳайдовчи гапга аралашди.

– Бўлиши мумкин эмас. Уларни аниқ кўрдим.

– Тўхтанг-тўхтанг, – унинг гапини бўлди ҳамшира. – Унинг кўриниши қандай эди? Ёзги кийимдами?

– Ҳа, тўғри. Кўрибсиз-ку, сиз ҳам. Уларга нима бўлди?

– Ҳозир қиш бўлса, нега у аёл ёзги кийимда, деган фикр хаёлингизга келмадими? Сизга ҳозир тушунтираман, – деб бир оз ўйланиб қолди.

– Биласизми, сиздан аввал ҳам ўша ерда тўрт марта ҳалокат содир бўлган. Барчасида ҳайдовчилар ҳалок бўлган. Сабабини эса аниқлай олишмади. Гап буёқда экан-да. Икки йил аввал, ёз кунлари эди.

Кўз ўнгимда йўлдан кесиб ўтаётган гўдак кўтарган бир аёлни катта тезлик билан келаётган автомобиль уриб юборди. Ёрдам кўрсатиш ўрнига эса қочиб қолди. Аёл билан гўдак ҳалок бўлди. Сизга ҳам кўринган аёл шу бўлса керак. Балки бошқаларга ҳам у кўрингандир?!

Балки шу йўсинда тезликни оширган ҳайдовчилардан ўч олаётгандир. Сизни мўъжиза қутқариб қолди.

**У. МИРАЗИМОВ.**

◆ Ғаройибот

# БІЛІМ АЛУДЫҢ ТАМЫРЫ АЩЫ, БІРАҚ ЖЕМІСІ ТӘТТІ

**Жаңғыру – өткеннен қол үзіп, тек қана құндылықтарға жол ашу деген сөз емес. Шын мәнінде, бұл – ұлттық мұраларымызды бүгінгі оң үрдістермен үйлестіре дамытуды көздейтін құбылыс. Бұл ретте біз Абай атамызды айналып өте алмаймыз. Себебі, ұлы ойшыл осыдан бір ғасырдан астам уақыт бұрын ұлтты жаңғыруға, жаңаруға, жаңа өмірге бейім болуға шақырған. Адамзат тарихында алып ойдың иесі атанған адамдар көп-ақ. Оларды бір ауыз сөзбен данышпан дейді. Қазақтың сондай данышпан көретін екі адамы болса, бірі – Абай. Жалғыз болса, нақ өзі.**

*«Еліміздің ертеңі – жас ұрпақтың қолында, ал жас ұрпақтың тағдыры – ұстаздардың қолында» деп Елбасы Н.Ә. Назарбаев айтқандай, жан-жақты қабілетті, білімді де өнерлі шәкірттер білім алып жатқан «Иқан» жалпы орта мектебінде А. Құнанбаевтың 175 жылдығына орай қазақ тілі мен әдебиеті пәнінің апталығы өткізілді. Сол себепті мен де осы апталыққа қатысты өз ойымды, ашық сабақтан, кештерден алған қызықты әсерімді ұстаздармен бөліскім келді.*

*«Білім алудың тамыры ащы, бірақ жемісі тәтті», – деп бірінші ұстаз Аристотель айтқандай, білім мен өнер біздің болашағымыздың жарқын болуына бірден бір кепіл. Білім жайында жер бетіндегі ақын-жазушының бәрі де қалам тербеді. Ұлағатты ой айтып, нақыл, қанатты сөздері бізге мұра болып қалды.*

**Талап қыл артық білуге,**
**Артық ғылым кітапта.**
**Ерінбей оқып көруге,** *– деп Абай атамыз жырлағандай енді мұғалімдердің ашық сабақтарына тоқталып өтсек.*

*Елбасымыз: «Арманда кеткен арыстардың асыл мұратына біз мыңжылдықтар тоғысында қол жеткіздік», – деп айтқандай Н. Халметова Н. Ә. Назарбаев «Тәуелсіздік толғауы» тақырыбында, М. Камалова Қ. Аманжоловтың өмірі мен шығармашылығының тәрбиелік мәні туралы, «Мәдениет ұлттың бет бейнесі, рухани болмысы, ақыл – ойы, парасаты», – демекші Л. Турсунова «Рухани мұрамыз туралы не білесің?» тақырыбында, «Музей – өткен уақытпен жүздесе отырып, бүгінгі өмірге тарих...», – деп Елбасымыз айтқандай Ж. Усманова «Музей қай көшеде?» тақырыбында, Қазақстандағы технологияның дамуына байланысты «Қазақстандағы биотехнология» тақырыбы жайлы А. Бабажанова, Ә. Тәжібаевтің әсерлі де, қызықты драматургиясы жайлы О. Маннапова, Елбасымыз: «Компьютер ойнаған баладан кітап оқыған бала озады», – деп айтқандай З. Эрметова «Ғаламтор және кітап» тақырыбында, «Тәуелсіздікке қол жеткізу де, оны баянды ету де оңай емес»,– демекші «Менің тәуелсіз Қазақстаным» тақырыбында Г. Камаловалар өздерінің үлгілі ашық сабақтарын өтті.*

**Ақыл, қайрат, жүректі бірдей ұста,**
**Сонда толық боларсың елден бөлек,** *– деп Абай атамыз жырлағандай «Абай – дана, Абай – дара қазақта» тақырыбында бірлестіктегі мұғалімдер үлкен көлемде кеш өткізді.*

*«Ұстаздық еткен жалықпас, үйретуден балаға», – деп Абай атамыз айтқандай, ұстаз еңбегінің қыр-сыры мол, қиын да жауапты, шығармашылық еңбек екендігін баршамыз мойындаймыз. Ұрпақ тәрбиесі – ұстазға байланысты. "Ұяда не көрсең, ұшқанда соны ілерсің" дегендей өнегелі ұстаздан жақсы шәкірт шығатыны сөзсіз екенін мектебіміздің оқу істері және тәрбие істері бойынша директор орынбасарлары Н. Халметова және Г. Шадибековалар апталық қорытындысы бойынша өздерінің түйінді пікірлерін айтты.*

*"Ұстаз мәртебесі – ұлт мұраты дегендей", туған жердің ұлағатты ұстаздары, білімді шәкірттеріңіз көп болып, тек биіктерден көріне беріңіздер. Жұмыстарыңыз табысты, денсаулықтарыңыз мықты болсын демекпін.*

**Жамилахан УСМАНОВА,**
**"Иқан" жалпы орта мектебінің қазақ тілі мен әдебиеті пәні мұғалімі.**

**«Иқон» умумий ўрта мактабининг 6-«ә» синф ўқувчиси Мадҳия Усмонова мактаб жамоасини янги ғалабаси билан қувонтирди. Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган ўсмир қизлар мусобақасида совринли 3-ўринни эгаллади.**

# МАДҲИЯНИНГ ЮТУҒИ



Мадҳия фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга спортга иштиёқманд. Икки йилдан буён Кентов шаҳридаги Б. Саттарханов номли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Эски Иқон бўлимида эркин кураш машғулотларига мунтазам қатнайди. Мураббийи Х. Мамметов билан тинимсиз тайёргарлик машқларини бажаради. Устози спортга қизиққан шогирдининг ўн беш кун давомида Қирғизистонда қўшимча машғулот олишига имконият яратди. Машғулотлар ўз самарасини берди.

Вилоят миқёсида 12-14 февраль кунлари ўтказилган мусобақада Мадҳия бир қанча рақиблар устидан ғолиб келиб, 3-ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Уни бу ютуғи билан муборакбод этиб, келгуси мусобақаларда ҳам ғолиб чиқишига ишонч билдирамиз. "Устоздан шогирд ўзар", деганларидек , Мадҳия устозлар ишончини оқлайди, деган умиддамиз.

**Ж. УСМОНОВА,**
**«Иқон» умумий ўрта мактаби қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

# Ел тірегі – жастар

**Жаңа жылды қарсы алып, жұмысқа жаңа тыныспен жұмыла кірiскен "Иқан" жалпы орта мектебі ұжымының жастары, "Жас мамандар" қаңтардың 6-сы күні әріптестеріне ерекше жаңа жылдық көңіл-күй сыйлады.**

Кештің тізгінін Разиқова Шахрибану өз қолына алды. Ол бір сағатқа арнап ұйымдастырылған кеште мемлекеттік тілде еркін сөйлеп, кештің есте қаларлық деңгейде өтуіне өз үлесін қосты. Мың өз тіліңді құрметте» девизін ұстанатын мектебіміздің өзбек тілі мен әдебиеті пәні мұғалімі Д. Зиявиддиноваға алғыс айтылды. Сахналық көріністе өздерінің актерлік шеберлігімен көзге түскен



Мектебіміздің бейіндік оқыту бойынша директор орынбасары И. Муслимованың жетекшілігімен Жастар жылын қорытындылауға арналған жаңа жылдық кеш ұйымдастырылды. Аталған кеште мектептің дерлік барлық жастары бой көрсетті. Ұжымшыл жастардың жан-жақты дайындығы тайға таңба басқандай айқын көрініп тұрды. Көздің жауын алып безендірілген сахна, қобалжып әрі-бері жүгіріп жүрген ұжым жастары, ұлттық рухты көтеретін әсем ән – бәрі қонақтарға ерекше әсер еткені олардың жымиған жүздерінен, тағатсыздана кештің басталуын күтіп отырған көздерінен байқалды.

бұралып ұлттық би билеп, мәнерлеп өлең оқып, қызықты сахналық көрініс көрсеткен талантты жас мамандар ерекшеленіп көзге түсті. Үш тілді еркін меңгерген Ш. Ирисметова, ерекше сұлулығымен көздің жауын алған М. Зуппарханова, көрерменді күлкіге қарқ қылған Аяз ата рөліндегі Р. Разиқовтар ерекше үлгідегі мақтау қағаздарымен марапатталды.

Мемлекеттік тілмен қатар өз тілін ерекше құрметтейтін біздің ұжым үшін өзбек тілінде мәнерлеп оқылған өлең және ұлттық би көрермендердің көңілінен шықты. «Өзге тілдің бәрін біл

У. Ахмедова, М. Адахановалар да назардан тыс қалмады. Көрермендер де әр түрлі логикалық сұрақтарға жауап беріп, кештің қызықты өтуіне ат салысты. Үлкен жастағы ұстаздардың жастарды қолдап айтқан ақыл-кеңестері үлкен рөл атқарды.

Қонақтар өз ризашылығын білдіріп, жас мамандарға алдағы уақытта жұмыстарына табыс тіледі.

**Озода МАННАПОВА,**
**«Иқан» жалпы орта мектебінің қазақ тілі мен әдебиеті пәні мұғалімі.**

# Ажойиб устоз эди



Қорабулоқ қишлоғидаги 3-сонли Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси оғир жудоликка учради. 1969 йили 9 мартда Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган ажойиб устоз, узоқ йиллар ушбу илм масканида ёш авлоднинг савод чиқаришига камарбаста бўлган бошланғич синф ўқитувчиси Зебиниса Аҳмадқул қизи Усмонова оламдан ўтди.

З. Усмонова Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Фурқат номли тўлиқсиз ўрта мактабда таълим олди. 1984 йили 8-синфни муваффақиятли тамомлагач, Ўзбекистондаги Бекобод педагогика билим юртига ўқишга кириб, 1988 йили ушбу илм даргоҳини "Умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқитувчиси" ихтисоси бўйича тамомлади. Билим юртида эгаллаган илму урфонни келажагимиз бўлмиш ёш авлод онггига сингдириш, уларда ақл-идрок, тафаккурни шакллантириш, шу билан жамиятга фойда келтириш мақсадида она қишлоғидаги Ҳамза номли умумий ўрта мактабга бошланғич синф муаллимаси сифатида ишга жойлашди. Меҳнат фаолияти мобайнида кўплаб ёшларни учирма қилди.

Зебиниса Аҳмадқул қизи билимини янада мукаммаллаштириш, олий маълумот соҳибаси бўлиш мақсадида ишдан ажралмаган ҳолда вилоятимиздаги Қозоқ-ўзбек муҳандислик гуманитар университетига ўқишга кириб, "Бошланғич таълим педагогикаси ва услубияти" ихтисоси бўйича таҳсил олиб, қизил диплом билан тамомлади.

Тажрибали устоз вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳам тажрибасини оширди, курсларда маърузалар билан иштирок этиб, билимли, интилувчан муаллима эканлигини намоён қила билди. Билингвал таълим борасида ҳам изланиб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганини ҳамкасблари яхши билишади.

Олий тоифали устоз республика, вилоят, туман маориф бўлимларидан кўплаб фахрий ёрлиқлар, мақтов қоғозлари олган. Шунингдек, сертификат ва дипломлар соҳибаси эди.

Зебиниса Усмонованинг порлоқ хотираси ҳамкасблари, шогирдлари, оналари касбини давом эттириб, улуғлаётган ўғил-қизлари хотирасида абадий сақланади.

Марҳуманинг охирати обод бўлсин!

**3-сонли Ҳамза номли ўрта мактаб жамоаси.**

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси ўқитувчи Зулайҳо Қодирқуловага қайнотаси

**Каримжон АБДУВАҲОБОВ-**

нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

**Аллоҳ марҳумни ўз раҳматига олган бўлсин!**



# «Тарона»нинг туҳфаси

**«Маънавий янгиланиш» дастури доирасида «Тарона» ўзбек миллий чолғу дастаси мумтоз ҳамда замонавий ўзбек куй-қўшиқларидан иборат мукаммал репертуарини вилоятимиз аҳлига армуғон этади.**

Халқаро хотин-қизлар байрами, Наврўзи олам ва бошқа тантаналар «Тарона» билан бирга кечса, сизларга олам-олам қувонч бағишлайди. Вилоятимизда ҳамда пойтахтимизда истеъдодини намойиш этган таниқли «Тарона»нинг маъмури Ҳусан Садиров, бадиий раҳбари Расул Қаумбаев. Ансамблда Расул Қаумбаев аккордеонда, Ҳусан Садиров танбурда, Араб Набиев доирада, Маҳлиё Ғойипова рубобда, Дилнавоз Фозилова дуторда, Абдураҳмон Мамасолиев торда, Камолиддин Қамбарбеков рубобда, Пўлат Расулов найда, Баҳодир Эрметов афғон рубобида чиқишади.

**Мурожаат учун телефонлар:
8 702 744 91 00 ҳамда 8 776 444 04 45.**

# БУЮК АЛЛОМАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Сайрам тумани Оқсувкент қишлоқ округидаги Шопўлат Бойменов раҳбарлик қилаётган Бобур номли умумий ўрта мактабда Абайнинг 175 йиллиги, Алишер Навоийнинг 579 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунига бағишланган адабий кеча ўтказилди.**

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида уюштирилган тадбирда мазкур илм даргоҳининг битирувчилари, Афғон уруши фахрийлари ҳам иштирок этишди.

Ўқувчилар буюк алломаларнинг шеър ва ғазалларини ёддан айтиб, саҳна кўринишларини ижро этишди.

Шунингдек, тадбирда Сайрам туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ғанишер Райимқулов, собиқ битирувчилар, туман маслаҳати депутати А. Исоқов ҳамда Оқсувкент қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Абдурасул Юсуповлар мактаб жамоасига миннатдорчилик билдириб, компьютер совға қилдилар.

**Мухтабар УСМОНОВА.**

## ● Хушхабар

**Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги ҳамда М. Ауезов номидаги адабиёт ва санъат институти томонидан тайёрланган “Қозоғистон менинг тақдиримда” китоби Алмати шаҳридаги “Print Exspress” нашриётида рус тилида чоп қилинди.**




# ҚОЗОҒИСТОН – ШОИРЛАР ТАҚДИРИДА

Қозоғистондаги гуманитар олий ўқув юртлари талабалари ва шеърият ихлосмандларига мўлжалланган мазкур шеърий хрестоматиянинг биринчи жилдига мамлакатимизда қозоқ, рус, уйғур, немис, татар, ўзбек, курд, белорус, корейс, осетин, турк, дунган, чечен, болқор тилларида ижод қилувчи шоирларнинг ижод намуналари киритилди.

“Қозоғистон – кўплаб этнослар вакилларига илм ҳамда тадқиқот соҳасидаги салоҳиятини намоён этиш, она тилида асарлар яратиш, мустақил мамлакатининг гуллаб-яшнаши учун яшаш ва ишлашга имконият яратган қадрдон Ватандир”, – деб таъкидлайди китоб сўзбошисида нашрнинг масъул муҳаррири С. Ананьева.

Нуфузли тўпламнинг ўзбек адабиёти бўлимига Э. Рўзиматов, Ш. Шопўлатов, И. Ҳуккиев, И. Жуманов, О. Дуржонбоев, Ҳ. Одилова, А. Абдуғаффоров, С. Камолова, У. Каримова, Б. Собитов, А. Пратов, З. Мўминжонов, Т. Пирназарова, Г. Бозорбоева, Х. Қўчқоров каби ҳамюрт ижодкорларимизнинг назмий асарлари киритилгани қувонарлидир.

Шеърларни рус тилига Г. Бозорбоева, Н. Чернова, А. Ахетов таржима қилган.

**З. АҲМАДЖОНОВ.**

# БУЮК НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ



**Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб мактабларда ва бошқа ўқув муассасаларида ажойиб тадбирлар ўтди.**

Шу жумладан, Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамияти ҳам анъанавий “Навоий сабоқлари”ни ўтказди. Ушбу кўрик-танлов бу йил тўртинчи марта республика миқёсида ўзбек мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари орасида ўтказилмоқда. Бу йилги беллашув “Дўстлик” ҳамжамияти, Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳартаълим бошқармалари ҳамкорликда буюк бобокалонимизнинг 579 йиллигигабағишланиб уюштирилди. Кўрик-танлов Низоми аввалдан таълим бошқармаларига юборилди. Низом талабларига кўра жойларда танловнинг I босқичи ўтказилиб, ғолиблар II босқичга, яъни республика танловига тавсия этилди.

Бош соврин Шимкент шаҳридаги А.Навоий номли мактаб ўқувчиси Малика Асомовага насиб этди.

Шу билан бирга иштирок этган ўқувчиларнинг айрим зукколик қирралари ҳисобга олиниб, 1,2,3-ўринлардан «Адабиётга ошно қалб», “Ёш истеъдод”, “Ёш навоийшунос” каби номинациялар берилди. Барча иштирокчи ўқувчилар олган ўринлари ва билимига қараб қимматбаҳо совғалар, дипломлар, фахрий ёрлиқлар ва ташаккурномалар билан тақдирландилар.

Ўқувчиларимизда буюк шоир ижодига қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йил 24 нафар ўқувчи иштирок этган, беллашув қизғин ўтди. Давр руҳини берувчи ранг-баранг либослар, чиройли саҳна кўринишлари, жаранглаб турган назм ва наво томошабинларга завқ-шавқ бағишлади. Эсселардаги чиройли жумлалар, шоир асарларидан келтирилган мисоллар, далиллар, фикрлар диққатга сазовор бўлди.

Ушбу тадбирнинг ташкилотчилари бўлган “Дўстлик” ҳамжамияти, Туркистон вилоят ва Шимкент шаҳар таълим бошқармалари раҳбарларига ҳамда миллатимиз, она тилимиз фидойиларига барча ота-оталар, устозлар ва ўқувчилар номидан миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Сўз мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бардавом бўлсин. Зеро, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек:

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,*
*Олтин бошнинг калла*
*бўлгани шудир.*
*Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,*
*Қора сочнинг малла бўлгани шудир...*

*Ўзбек ўзлигини англаса бекам,*
*Унинг “Баракалла” бўлгани шудир.*
*Оламга Навоий наслиман деган,*
*Овози баралла бўлгани шудир.*

**Бегмат ТУРДИҚУЛОВ,
ҳакамлар ҳайъати аъзоси.**

## ● Боғбон маслаҳати

# УЗУМ КЎЧАТИНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ЭКИШ

Кўчатларни экишга тайёрлашда аввало, томорқа майдонида сувнинг юриши ҳисобга олиниб, ер яхши текисланади. Майдоннинг ҳар квадрат метрига 6 – 10 кг. гўнг, чиринди, 200 – 250 г. фосфор, 100 – 120 г. калий ва 150 – 200 г. аммонийли азот ўғити солиниб, (25–30 см) чуқурликда ҳайдалади.

Токни экиш схемаси – 3×3 – 2,5 м (тик сўри) ва 3,5×2,5 – 2 м (қайирма сўри). Кўчатларни экиш март ойи давомида амалга оширилади.

Кўчат экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шалтоққа (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олинади, сўнгра экилади. Кўчат ўрага қўйилиб, олдин олинган тупроқ чуқур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўла сув қуйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади.

**“Боғдорчилик”дан.**



Директор - Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: Мироджон АБУБАКИРОВ. Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб – Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Бўлимлар:
*Умумий бўлим* — **Мухтабар УСМОНОВА.**
*Адабиёт ва санъат, спорт* — **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.**
*Обуна, реклама ва эълонлар* — **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.**

Махсус мухбирлар:
*Туркистон, Кентов* — **Шомирза МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
*Тўлебий, Қазиғурт* — **Баҳорой ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
*Сайрам, Тулкибош* — **Ислом НИЁЗАЛИЕВ.** 8(72531) 24-274.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган бирадарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
● Туркистон вилоятида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2012 й. 26 мартда рўйхатга олиниб, 12357-Г гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12600 нусха.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 480.

Навбатчи муҳаррир: Шахноза УСМОНОВА.